

НОГИРОНЛИГИ БҮЛГАН ШАХСЛАРНИ ДАВЛАТ ТОМОНИДАН ҚҮЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ИСЛОХОТЛАР ЗАМИРИДА

Нурмуҳаммедов Муслимбек Учқун ўғли

Адлия вазирлиги масъул ходими

<https://doi.org/10.5281/zenodo.6977366>

Аннотация. Жамият ҳаётида шундай бир кишилари борки, улар ўз имконияти ва салоҳиятини рўёбга чиқарии учун алоҳида эътиборга муҳтож ногиронлиги бор бўлган шахслардир. Уларнинг жамият ҳаётига тўлиқ киришиб кетиши, ҳаётда ўз ўрнини топа олиши кўп жиҳатдан жамиятнинг бошқа аъзолари, мамлакатдаги амалда бўлган норматив-хуқуқий ҳужжатлар, шу жумладан давлат томонидан ижтимоий қўллаб-қувватлашга боғлиқ. Биз ушбу мақолада мазкур масалани атрофлича ёритишга ҳаракат қилдик.

Калим сўзлар: ногиронлиги бўлган шахслар, давлат томонидан қўллаб-қувватлаш, ижтимоий ҳимоя, ногиронлиги бўлган шахсларга оид қонунчилик ҳужжатлари

ГОСУДАРСТВЕННАЯ ПОДДЕРЖКА ЛЮДЕЙ С ИНВАЛИДНОСТЬЮ В ОСНОВЕ РЕФОРМ

Аннотация. Такие люди есть в жизни общества, это люди с ограниченными возможностями, которые нуждаются в особом внимании для реализации своего потенциала. Их полная интеграция в жизнь общества, их способность найти свое место в жизни во многом зависит от социальной поддержки других членов общества, действующих в стране нормативно-правовых документов, в том числе государства. Мы постарались подробно осветить этот вопрос в этой статье.

Ключевые слова: инвалиды, государственная поддержка, социальная защита, законодательство об инвалидах.

STATE SUPPORT FOR PEOPLE WITH DISABILITIES AT THE HEART OF REFORMS

Abstract. There are such people in the life of society, these are people with disabilities who need special attention to realize their potential. Their full integration into the life of society, their ability to find their place in life largely depends on the social support of other members of society, the legal documents in force in the country, including the state. We have tried to cover this issue in detail in this article.

Keywords: disabled people, state support, social protection, legislation on disabled people.

КИРИШ

Сўнгги йилларда мамлакатимизда давлат ва жамият қурилишининг барча соҳасини демократлаштиришга, аҳолини, шу жумладан ногиронлиги бўлган шахсларни ижтимоий муҳофаза қилиш, ногиронлиги бўлган шахсларда инсон салоҳиятини ривожлантириш учун зарур шарт-шароитлар ва имкониятлар яратишга, аҳолининг фаровонлик даражасини оширишга йўналтирилган кенг қўламли ислоҳотлар амалга оширилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясига қўра, вояга етмаганлар, меҳнатга лаёқатсизлар ва ёлғиз кексаларнинг хуқуqlари давлат ҳимоясидадир. Давлат ва жамият етим болаларни ва ота-оналарининг васийлигидан маҳрум бўлган болаларни боқиши,

тарбиялаш ва ўқитиши таъминлайди, болаларга бағишлиланган хайрия фаолиятларни рафбатлантиради.

Мамлакатимизда қабул қилинаётган норматив-хуқуқий ҳужжатлар, жорий қилинаётган янги тизим ва механизмлар ногиронлиги бўлган шахсларни қўллаб-кувватлаш ва уларнинг фаравонлигини кенг даражада таъминлашга йўналтирилган.

ТАДҚИҚОТ МАТЕРИАЛЛАРИ ВА МЕТОДОЛОГИЯСИ

Юртимизда ногиронлиги бўлган шахсларни давлат томонидан қўллаб-кувватлаш тизими тубдан такомиллаштирилиб, бу борада норматив-хуқуқий база такомиллаштирилмоқда.

Давлат томонидан қўллаб-кувватлаш институти “**Ижтимоий ҳимоя**” тушунчаси билан боғлиқ ҳисобланади. Турли мамлакатларда аҳолини ижтимоий ҳимоя тизими мамлакатнинг иқтисодий тараққиёт даражаси, демократик тараққиёт ва унинг аҳоли манфаатига мувофиқлиги, ижтимоий сиёsat даражаси, ижтимоий таъминот тизими каби омилларга боғлиқ ҳолда амал қиласди.

Келинг бу борада олимларнинг фикрига назар ташлайлик.

Професор **К.Х. Абдураҳмоновнинг** фикрича аҳолини “*Ижтимоий ҳимоя қилиши*” - давлатнинг аҳолига нормал ҳаёт фаолияти учун берадиган шартшароитларини таъминлайдиган бевосита мақсадли кафолатлар тизимиdir. Бошқача айтганда, ижтимоий ҳимоялаш тизими бозор тизими самарадорлигининг тор тасаввурларидан эмас, балки ҳақиқий ижтимоий-иқтисодий самарадорликни таъминлаш масалаларини ҳал қилиш мақсадидан келиб чиқиб ташкил этилиши керак. Шу билан бирга, ижтимоий ҳимоялашнинг ҳар сафар, ўзи амал қилиб турган ишлаб чиқариш муносабатлари тизими томонидан, жаҳон иқтисодиётининг ҳозирги ҳолати имкониятларидан кенг фойдаланиши ва ҳозирги замон талаблари асосида ривожланиб бориши зарур.

Л.С Ржаницинанинг фикрича “*Ижтимоий ҳимоя*” – бу жамиятдаги иқтисодий самарадорликни ва сиёсий барқарорликни таъминлашга хизмат қилувчи алоҳида ўзига хос иқтисодий-сиёсий тизим”

Юқоридаги тушунчага берилган изоҳларга тўлиқ қўшилиб бўлмайди, мазкур фикрлар аҳолининг қўллаб-кувватлаш, уларнинг хуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, давлат томонидан уларга зарур шарт-шароитларни яратиш нуқтаи назаридан тушунчанинг мазмун-моҳияти тўлиқ очиб бермайди.

Келтирилган фикрлардан барчасини умумлаштирган ҳолда бу тушунчанинг моҳиятини ёритишга қаратилган ўз ёндашувимизни келтирамиз.

Ижтимоий ҳимоя— мамлакат аҳолисини ижтимоий ва моддий муҳофаза қилинишини таъминлайдиган ва жамиятда қарор топган хуқуқий, иқтисодий, ижтимоий чора-тадбирлар мажмуи.

Ногиронлиги бўлган шахсларни давлат томонидан қўллаб-кувватлашнинг бир қисми айнан ушбу тушунчани қўллаш орқали амалга оширилади.

Жамиятимизда шундай инсонлар борки, уларнинг жисмоний имконияти чекланган, айрим нуқсоний камчиликлари мавжуд бўлсада, лекин билим даражаси юқори, маънавияти юксак, руҳи эса жуда кучли ва матонатли. Қонунчилигимизда ногиронлиги бўлган шахсларни ҳимоя қилиш бўйича хуқуқий асослар белгиланган

бўлсада, афсуски, улар ишлаш, ўқиш ва жамият ҳаётида ўз ўрнини топиш ҳамда муносабатларга тўлақонли иштирок этиш имкониятидан маҳрум бўладилар.

ТАДҚИҚОТ НАТИЖАЛАРИ

Статистик маълумотларга кўра, дунёда ногиронлар сони, уларнинг дунё аҳолисидаги улуши **1 миллиарддан ортиқ** бўлиб, бу 15 фойизни ташкил этади. Аксарият ҳолларда улар камситиш ва “мажрухлик”дан азият чекадилар ва жамият ҳаётига тўлиқ киришиб кета олмайди. Ушбу жараёнларда уларни ҳар томонлама кўллаб-қувватлаш, жамият билан мослаштириш борасидаги энг катта масъулият давлат зиммасига тушади.

Хисоботларга кўра, бугунги кунда мамлакатимизда 800 мингга яқин ногиронлиги бўлган шахслар истиқомат қилмоқда. Шу жиҳатдан мамлакатимизда сўнгти йилларда ногиронлиги бўлган шахсларни кўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор берилиб, улар учун ҳар томонлама имконият яратиш давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 2022 йил 20 июнь куни Конституциявий комиссия аъзолари билан учрашувда “*Давлатнинг эркаклар ва аёллар, оиласалар ва болалар, ёшлар ва нуронийлар, ногиронлиги бор шахслар, мамлакатда ёки унинг ташқарисида бўлишидан қатъи назар, барча инсонлар ҳақида қайгуриши Конституцияда мустаҳкамланиши зарур,*” – деб таъкидлагани алоҳида аҳамият касб этади.

МУҲОКАМА

Мамлакатимизда олиб борилаётган кенг кўламли ислоҳотлар қаторида ногиронлиги бор шахсларнинг хуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича янги бир хуқуқий тизим яратилиб келинмоқда. Айтиш жоизки, «**Ўзбекистон – ижтимоий давлат**» деган ғоя остида республикамизда Қонунлар, фармонлар ва бошқа норматив актлар ишлаб чиқилмоқда.

Биринчидан, Ўзбекистон Республикаси Президентнинг 2017 йил 1 декабрдаги “Ногиронлиги бўлган шахсларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони қабул қилинди. Ушбу Фармон билан ногиронлиги бўлган шахсларни камситишга йўл қўймаслик, уларнинг хуқуклари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини рўёбга чиқаришда teng шароитлар яратиш мақсадида “ногирон” тушунчаси муомаладан чиқарилди ва у энг аввало, инсон эканлигини ҳисобга олган ҳолда умумэътироф этилган “ногиронлиги бўлган шахс” атамаси қонунчиликка киритилди.

Шунингдек, Фармон билан 51 банддан иборат чора-тадбирларни амалга ошириш назарда тутилган Ногиронлиги бўлган шахсларни қўллаб-қувватлаш тизимини янада такомиллаштириш ҳамда уларнинг хуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш кафолатларини кучайтириш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури тасдиқланди. Эндилиқда дастурга мувофиқ 2018/2019 ўкув йилидан бошлаб олий таълим муассасаларига абитуриентларни қабул қилишининг умумий сонидан ногиронлиги бўлган шахслар учун қўшимча равища **икки фоизли** квота ажратиш тартиби жорий этилди.

Иккинчидан, ислоҳотлар самараси ўлароқ, 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар Стратегиясининг 2020 йилги Давлат дастурига мувофиқ, 2020 йилнинг 15 октябрь куни мамлакат Президенти томонидан янги таҳрирдаги “Ногиронлиги бўлган шахсларнинг

хукуқлари тўғрисида”ги Қонун имзоланди. Мазкур қонун билан ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳукуқларини таъминлашнинг асосий принциплари белгилаб берилди.

Шунингдек, ногиронлиги бўлган шахсларнинг ижтимоий ҳимоясига оид масалалар ҳам Қонун даражасида белгиланди. Ташкилий-ҳукуқий шаклидан қатъи назар ташкилотлар ногиронлиги бўлган шахсларнинг спорт иншоотлари, дам олиш, шунингдек туристик обьектлардан бепул фойдаланишини таъминлаш учун шарт-шароитлар яратиши, уларга бепул тиббий ёрдам кўрсатишнинг давлат кафолатлари дастури доирасида тегишли чоралар кўриши, ногиронлиги бўлган шахслар санаторий-курортда бепул соғломлаштириш, шунингдек дори воситалари, парвариш учун мўлжалланган тиббий буюмлар ва ногиронлиги бўлган болалар учун маҳсус шифобахш озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминланиш ҳукуқи шулар жумласидан.

Қонун билан ногиронлиги бўлган шахсларга ижтимоий ёрдамнинг қўйидаги турлари кўрсатилиши белгиланди:

- пул тўловлари (пенсиялар, нафақалар, бир йўла бериладиган тўловлар);
- реабилитация қилишнинг техник воситалари, сурдотехника, тифлотехника воситалари ёки бошқа воситалар, шу жумладан ўриндиқли аравачалар, протез-ортопедия мосламалари, маҳсус ҳарфли матбаа нашрлари, овоз кучайтирувчи аппаратлар ва сигнализаторлар, субтитрли ёки сурдотаржимали видеоматериаллар, шунингдек автомобиллар билан таъминлаш;
- тиббий, ижтимоий, касбий, жисмоний реабилитация қилиш бўйича хизматлар ва миший хизматлар;
- транспорт хизматлари;
- дори воситалари билан таъминлаш.

Учинчидан, Ўзбекистон Республикаси Президентнинг 2021 йил 21 декабря “Ногиронлиги бўлган шахсларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг бандлигига кўмаклашиш ҳамда ижтимоий фаоллигини янада оширишга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-57-сон қарори қабул қилинди. Қарорга кўра, 2022 йил 1 январдан Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармаси маблағлари ҳисобидан ногиронлиги бўлган шахсларни ишга қабул қилган иш берувчиларга ҳар бир ходим учун 6 ойда базавий ҳисоблаш миқдорининг 1,5 бараварида субсидия бериладиган бўлди.

Шунингдек, қарорга кўра 2022 йил 1 марта бошлаб болалиқдан ногирон бўлган шахслар ва I ва II гуруҳ ногиронлари даромад солиги бўйича имтиёз меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдорининг 1,41 бараваридан 3 бараваригача оширилиши белгиланди.

Тўртинчидан, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2021 йил 22 февраль куни БМТ Инсон ҳукуқлари бўйича кенгашининг 46-сессиясидаги сўзлаган нутқида Ўзбекистон Парламенти томонидан Ногиронлар ҳукуқлари тўғрисидаги конвенцияни ратификация қилиш кутилаётганлигини ва имконияти чекланган шахсларнинг ўз қобилиятини тўла рўёбга чиқариш масалалари бўйича Минтақавий кенгаш тузишни таклиф этганлиги, шунингдек, мамлакатда ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳукуқларини таъминлашга жиддий эътибор қаратилаётганини таъкидланган эди.

Президентимиз халқаро ташрифи чогида, Ўзбекистон Парламенти томонидан Ногиронлар ҳукуқлари тўғрисидаги конвенция ратификация қилинди. Мазкур Конвенция

- ногиронлиги бўлган шахсларнинг тенглик асосида барча инсон хукуқларини тўлиқ амалга оширишларини рағбатлантириш, ҳимоя қилиш ва таъминлашга қаратилгани билан аҳамиятлидир. У мавжуд шароитлардан фойдаланиш имконияти, шахсий ҳаракатланиш, соғлиқни сақлаш, таълим, бандлик, сиёсий ҳаётда иштирок этиш, шунингдек тенглик ва камситмаслик каби бир қатор муҳим масалаларни қамраб олади.

ХУЛОСА

Бир сўз билан айтганда ногиронларга ижтимоий ёрдам кўрсатиш жамиятдаги ижтимоий ишнинг муҳим ва долзарб масалалардан биридир. Ногиронлар жамиятда ижтимоий жиҳатдан энг заиф қатлам ҳисобланиб, уларнинг давлат томонидан ҳимояга олиниши ва қўллаб-қувватланиши, бундай давлатнинг барқарор ривожланишини таъминлаб беради.

REFERENCES

1. Абдураҳмонов К.Ҳ, Тохирова Х.Т., Шарипов Б.М. «Аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш» - (маъruzalар матнлари) – Т.: ТДИУ, 2005.й.
2. Ржаницина Л.С. Оценка состояния социальной защиты личных доходов населения. В академическом сборнике: Экономические аспекты социальной политики. М., 1991-г.
3. Хошимов П.З. ва Абдуллаева Ш.Е. (ҳаммуалифлик) “Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишнинг назарий асослари” илмий мақола.
4. Броварский В. Д., Турдалиев А. Т., Мирзахмедова Г. И. Воздействие температуры окружающей среды на пчел и растения //Научное обозрение. Биологические науки. – 2020. – №. 3. – С. 43-48.
5. Зобиходжаев Р.Н. Ўзбекистон Республикасида аҳолини ижтимоий ҳимоялаш. № 4 -5 2001 й.
6. Ногиронлар хукуқлари тўғрисидаги Конвенция – Toshkent.: Baktria press, 2013. –Б. 56.
7. https://uza.uz/ru/posts/dunyoda-1-milliarddan-ortiq-nogironligi-bolgan-shaxslar-yashaydi_304864?q=%2Fposts%2Fdunyoda-1-milliarddan-ortiq-nogironligi-bolgan-shaxslar-yashaydi_304864
8. <https://xs.uz/uzkr/post/prezident-betakror-yurtimizda-barqaror-zhamiyatni-va-bardavom-taraqqiyotni-taminlash-barchamizning-bosh-maqsadimizdir>